

Наманган вилоятига янги бош имом-хатиб тайинланди



19:45 / 29.12.2025 1206

Бугун, 29 декабр куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий, шайх Нуриддин Холикназар ҳазратлари раисликларида Уламолар Кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши ўтказилди. Унда бир неча масалалар қатори Наманган вилояти бош имом-хатиби Мусохон қори Аббосиддинов бошқа ишга ўтиши муносабати билан вазифасидан озод этилгани, Наманган шаҳар бош имом-хатиби вазифасида меҳнат қилаётган Абдуллоҳ домла Самадов Наманган вилояти бош имом-хатиби этиб тайинлангани эълон қилинди.

Абдуллоҳ домла Самадов 1972 йили Наманган шаҳрида таваллуд топган. 1998 йилда Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институтини тамомлаган. Наманган шаҳридаги «Боқи Полвон» жомеъ масжиди имом-

хатиби ва шаҳар бош имом-хатиби вазифаларида ишлаб келган.

Аллоҳ таолодан янги вазифага тайинланган Абдуллоҳ домла Самадовга масъулиятли ва шарафли фаолиятида муваффақиятлар тилаймиз.